Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№46

2026-yil
18-noyabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ



1991 йил 18 ноябрь. Бу сана мустақиллик эълон қилинганидан кейин мамлакат ўз сиёсий иродаси, миллий қиёфаси ва келажакка интилишини рамзлар орқали ифода эта бошлаган даврга тўғри келади. Байроқ қабул қилиниши давлатчиликнинг ҳуқуқий белгиси бўлиши билан бирга, жамият учун янги тарихий саҳифанинг очилиши эди.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ – ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР



Ҳар бир қабул қилинаётган қонун, ҳар бир муҳокамадаги масала, аввало, инсонлар ҳаётида ўз аксини топиши билан аҳамиятли. Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида ҳам айнан фуқаролар манфаати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кундалик ҳаётда дуч келаётган масалалар ечимига қаратилган бир қатор муҳим ташаббуслар кўриб чиқилди.

► (Давоми 2-бетда)

ЙИЛЛАР САБОҒИ

ЎТМИШГА БОҚИБ, БУГУНГА ШУКР ҚИЛ...



Инсон умрида шундай кунлар бўладики, орадан қанча йиллар ўтмасин, улар хотирадан ўчмайди. Баъзан бир воқеа, бир сўз, ҳатто бир нигоҳ йиллар давомида қалбинг тубида яшайди. Вақти келиб, ўша хотиралар яна жонланади. Кечмишнинг оғриқли манзаралари кўз олдингдан ўтади. Аммо вақт ўтиши билан уларга муносабатинг ҳам ўзгарар, кечаги аламлар ўрнини тафаккур, изтироблар ўрнини шукроналик эгаллар экан.

► (Давоми 6-бетда)

МУҲОКАМА

ҚИШ МАВСУМИ:

аҳоли коммунал хизматлардан рози бўлиши шарт

Қиш яқинлашиши билан аҳолини узлуксиз электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва кўмир билан таъминлаш, турар жойлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларини мавсумга тайёрлаш масалалари янада долзарб аҳамият касб этади. Коммунал хизматлар барқарорлиги одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш фаровонлиги ва ижтимоий кайфиятига бевосита таъсир кўрсатади.

► (Давоми 4-бетда)



ФОРУМ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ

ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИШИ КЕРАК

→ 5

РАҚАМЛИ МАКОНДА ЁШЛАР ОНГИ УЧУН КУРАШ

→ 3

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

МЕҲР, КЎМАК ВА МАСЪУЛИЯТ

ЗЎРАВОНЛИКДАН ХОЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Инсоннинг жисмоний ёки руҳий дахлсизлиги, эркинлиги ва қадр-қимматига тажовуз қилувчи, унинг ҳуқуқларини чеклаш ёки унга зарар етказишга қаратилган хатти-ҳаракат — зўравонлик юксак қадриятлар асосида яшашга интилаётган жамият учун бениҳоят оғриқли нуқтадир. Айниқса, бугунга келиб аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик дунё миқёсида инсон ҳуқуқлари, жамоат саломатлиги ва ижтимоий тараққиётга дахлдор энг жиддий муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

► (Давоми 7-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҲАР БИР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ – ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Унда таълимдан тортиб қишлоқ хўжалигигача, капитал бозоридан оила ва болалар ҳимоясигача бўлган турли йўналишлардаги қонун лойиҳалари ва долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб «Сурхондарё вилоятининг Қашқадарё вилояти билан маъмурий-ҳудудий чегараларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳага мувофиқ, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўртасидаги умумий узунлиги 209,15 километр бўлган маъмурий-ҳудудий чегара чизиғини тасдиқлаш назарда тутилмоқда. Чегараларни белгилашда замонавий картографик материаллар, аэросуратлар ва давлат координаталари тизимига боғланган топографик хариталардан фойдаланилган.

Эътиборлиси, чегара чизиқлари ердан фойдаланувчиларга тегишли яйлов ва лалми ер майдонларининг яхлитлигини сақлаш, уларни табиий рельеф элементларига мувофиқ белгилаш тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Бу эса ер муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур қарор лойиҳаси маъмурий-ҳудудий чегараларни аниқ белгилаш фақат географик масала эмас, балки ер ҳисоби ва кадастр маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ эканини кўрсатади. Чегараларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши келгусида туман ва шаҳарлар ҳудудларини аниқлаштириш, ер ва кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш ҳамда ҳудудий бошқарув самарадорлигини ошириш учун муҳим асос яратади.

Қарор лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.



КАПИТАЛ БОЗОРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Депутатлар «Капитал бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилишди.

Ушбу ҳужжат соҳани замонавий қонунчилик асосида тартибга солиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бозорда адолатли рақобат, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан капитал бозори воситалари турларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳосилавий молиявий воситалар, қопланган облигациялар, секьюритизация, сукук ва барқарор ривожланиш облигацияларини чиқариш ҳамда уларнинг бозорда айланишини тартибга солувчи қоидалар белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада капитал бозорида клиринг ва кастодиал хизматларни кўрсатиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар белгиланмоқда. Бу эса бозор инфратузилмасини замонавийлаштириш, унинг ишончлилигини ошириш ва инвестицияларни янада кўпроқ жалб этишга хизмат қилади.

Ҳужжатда капитал бозори инфратузилмасини ва профессионал иштирокчилар фаолиятини такомиллаштириш, ахборотни ошкор қилиш тартибини мустаҳкамлаш ҳамда бу жараённинг қонунийлигини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш белгиланган.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши капитал бозорида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, инвесторлар ишончини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётига маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб қилиш учун янги имкониятлар яратади.

Шу билан бирга, корхоналарнинг узоқ муддатли маблағ жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради ва капитал бозорининг мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришдаги аҳамиятини оширади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Боланинг мактаб остонасига илк қадам қўйиши унинг ҳаётидаги муҳим босқичлардан бири. Бу жараёнда мактабгача таълим муассасасида олган билими ва кўникмалари мактабдаги таълимга қанчалик мослашиши катта аҳамиятга эга. Шу боис таълимнинг бу икки босқичи ўртасидаги узвийликни таъминлаш, ҳар бир болани мактабга пухта тайёрлашга қаратилган янги қонунчилик ташаббуси илгари сурилмоқда.

Мажлисда депутатлар мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Ушбу ҳужжат бир йиллик мактабга тайёрловни мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида белгилашни назарда тутади. Бу орқали таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

Қонун лойиҳаси билан «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунларга мактабга бир йиллик мажбурий тайёрловни умумий ўрта таълим тизимига киритиш, уни мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида ташкил этиш, болаларнинг мазкур тайёрловдан ўтиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур ўзгартишлар болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ошириш ва уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш, Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеини кўтариш ҳамда фуқароларга хорижий давлатларда таълим олиш фаолияти учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА ЖАВОБ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ ОШИРИЛАДИ

Мажлисда депутатлар ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан парламент фаолиятини тартибга солувчи 4 та қонунга ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, депутат ёки сенатор сўровини кўриб чиқишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари ёхуд бошқа талаблари давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Олий Мажлис палаталари Девонларига айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун судга мурожаат қилиш ёки айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш бўйича Бош прокуратурага тақдимнома киритиш ваколатини бериш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, депутатлик ва сенаторлик фаолияти кафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Яъни, амалдаги Кодекснинг 193-моддаси 2-қисми билан тўлдирилиб, унга мувофиқ, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда, жарима миқдорини базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан 15 бараваригача белгилаш таклиф этилмоқда.

Ушбу ўзгартиришлар мансабдор шахсларнинг депутат ва сенатор сўровларига масъулият билан ёндашишини таъминлаш, сўровларнинг ўз вақтида ва қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда халқ вакилларининг сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НИЗОЛАРИДА БОЖ УНДИРИЛМАЙДИ

Мажлисда «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда сув тежовчи технологияларни жорий этишни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари шакллантирилди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экин майдонларида замонавий суғориш технологияларидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Бироқ ушбу жараёнда айрим ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, сув тежовчи технологияларни ўрнатиш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш, уларни фойдаланишга топшириш ва сервис хизматларини кўрсатишда юзага келаётган камчиликлар айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатмоқда.

> БОЛАНИНГ МАКТАБ ОСТОНАСИГА ИЛК ҚАДАМ ҚЎЙИШИ УНИНГ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРДАН БИРИ. БУ ЖАРАЁНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ОЛГАН БИЛИМИ ВА КЎНИКМАЛАРИ МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМГА ҚАНЧАЛИК МОСЛАШИШИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУ БОИС ТАЪЛИМНИНГ БУ ИККИ БОСҚИЧИ ЎРТАСИДАГИ УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАР БИР БОЛАНИ МАКТАБГА ПУХТА ТАЙЁРЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ИЛГАРИ СУРИЛМОҚДА.

Мазкур қонун лойиҳаси билан ушбу муаммоларнинг ҳуқуқий ечими таклиф этилмоқда. Жумладан, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг манфаатларини кўзлаб, сув тежовчи технологияларни ўрнатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси томонидан судларга даъво аризалари киритишда давлат божини тўлашдан озод этишни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИ ПАРЛАМЕНТДА АХБОРОТ БЕРАДИ

Депутатлар Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Каттахонованинг «Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, оилавий муносабатларда юзага келаётган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, жиноят содир этилишига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда бу борада масъул давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, депутатлар томонидан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар, жиноятчиликка сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалаларини атрофлича муҳокама қилиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси раиси А.Уруновнинг «Ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш, карантин тадбирларини олиб бориш ҳамда кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ чора-тадбирларни хавфсиз тарзда бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида»ги парламент сўровига жавоби кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида аҳоли саломатлиги учун хавфларни камайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, экспорт маҳсулотларининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда ўсимликлар карантини соҳасини тартибга солиш, карантин тадбирларини олиб бориш, ўсимликларни ҳимоя қилиш масалалари депутатларнинг доимий эътиборида эканлиги таъкидланиб, кун тартибидаги мазкур масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Бундан ташқари, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.Оллоёровга «2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясининг ижроси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида» парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, зўравонлик хавфи остидаги болаларни эрта аниқлаш ҳамда жабрланган болалар ва уларнинг оилаларига ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, «Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда болаларни жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликдан, шунингдек, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация қилиш ва таъқиб этишдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

2026–2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегиясида ҳам зўравонликдан жабрланган, зўравонлик хавфи остида бўлган ва ижтимоий хавфли аҳволда қолган болалар учун профессионал тутинган оила институтини жорий этиш, ушбу йўналишда мутахассисларни тайёрлаш, Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интеграция маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган.

Шунингдек, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида «Меҳрли оила» хизматини йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналарини мазкур хизматларга жалб қилиш ҳамда оилавий муносабатларни тиклашга қаратилган бепул терапия хизматларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш учун қулай ва тушунарли механизмларни жорий этиш, кеча-ю кундуз ишлайдиган «ишонч телефони» хизматини йўлга қўйиш ҳамда зўравонликдан жабрланган болаларга психологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, зўравонликдан жабр кўрган болалар учун профессионал тутинган оила институтини жорий этиш, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида «Меҳрли оила» хизматини ташкил этиш, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ҳақида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорига парламент сўрови юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ



Шохрух ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Дунё харитасидаги давлатларнинг ҳар бири ўз байроғига эга. Лекин байроқнинг маъноси расмий тавсиф билан тугамайди. У халқнинг кечаги куни, бугунги интилиши ва эртанги орзусини бир тасвирда бирлаштиради. Чегарада у суверенитетни, дипломатик бинода давлатнинг мавжудлигини, мактабда фуқаролик тарбиясини, халқаро мусобақада эса миллий шарафни ифодалайди.

Нега шамолда ҳилпираётган бир парча мато инсонни бу қадар ҳаяжонлантиради? Зеро, унда туғилган юрти, ота-онасининг меҳнати, болалигидаги кўчалар, она тили ва келажакка бўлган ишонч акс этади. Байроқ барчамизнинг шахсий хотираларимизни ягона Ватан тасаввурига боғлайди.

Давлат рамзлари миллат ҳаётида тасодифан пайдо бўлмайди. Улар муайян тарихий зарурат, сиёсий ирода ва жамоавий хотира натижасидир. Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзини дунёга қандай кўрсатиш, ўтмиши билан келажагини қай тарзда боғлаш ҳақида қарор қилади. Ўзбекистон байроғининг қабул қилиниши ҳам ана шундай масъулиятли танлов эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси давлатимизнинг қонун билан тасдиқланадиган ўз рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга эканини белгилайди. 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонун эса Давлат байроғининг тасвири, шакли ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади.

Аммо рамзнинг ижтимоий аҳамияти қонун матнидан кенгроқдир. Агар инсон байроққа қараб ўз ҳуқуқи, бурчи ва келажагини ўйласа, давлат рамзи жонли фуқаролик қадриятига айланади.

У ҳар бир халқнинг умуминсоний ҳамжамиятда ўз овози, тарихи ва маданияти билан иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Шу маънода миллий байроққа ҳурмат бошқа халқларнинг рамзларига ҳурмат билан уйғун бўлиши керак.

Баъзан бир тасвир юзлаб саҳифадан кўпроқ маънони

> БАЙРОҚНИ БАЛАНД КЎТАРИШ УЧУН УСТУН КЕРАК. УНИ ЮКСАК МАҚОМДА САҚЛАШ УЧУН ЭСА ҲАЛОЛ ВА БИРЛАШГАН ЖАМИЯТ ЗАРУР.

ифода этади. Ўзбекистон байроғидаги ранглар ҳам мамлакатнинг табиати, тарихи ва маънавий орзуларини сўзсиз баён қилади. Уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга, аммо ҳақиқий таъсир уларнинг уйғунлигида пайдо бўлади.

Давлат рамзининг ҳақиқий қиммати унинг инсон ҳаётига қанчалик яқин эканида кўринади. Байроқ турли одамлар учун турлича хотира ва маънони уйғотади, аммо уларнинг барчасини ягона Ватан туйғуси бирлаштиради.

Байроқ халқаро майдонда тенглик ғоясини ҳам ифодалайди.

Ўзбекистон байроғининг дунё майдонларида кўтарилиши мамлакатнинг очиқлиги ва ҳамкорликка тайёрлигини ҳам англатади. Тинчлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатли шериклик замонавий дипломатиянинг асосий тамойилларидир.

Бола байроқни дастлаб ранглар орқали танийди. Кейин унга бу рангларнинг маъноси тушунтирилади. Аммо ватанпарварлик фақат рамзларни ёд олиш билан шаклланмайди. Инсон байроқ ифода этаётган қадриятларни кундалик ҳаётда кўриши ва ҳис қилиши керак.

Ёшларга байроқни севишни буюриб бўлмайди. Байроқ билан фахрланиш осон. У ифода этаётган қадриятларга муносиб яшаш эса сабр ва масъулият талаб қилади. Давлат байроғига ҳурмат, аввало, қонун талабларига риоя этишда намоён бўлади. Уни белгиланган тартибда ўрнатиш ёки кўтариш, тасвиридан муносиб фойдаланиш ва рамзнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик ҳар бир фуқаро ҳамда ташкилотнинг масъулиятидир.

Байроқни баланд кўтариш учун устун керак. Уни юксак мақомда сақлаш учун эса ҳалол ва бирлашган жамият зарур.

Ҳар йили 18 ноябрь бизга тарихий қарорни эслаш имконини беради. Бироқ бу сананинг моҳияти ўтмишдаги воқеани қайд этиш билангина чекланмайди. У бугунги авлодни давлат рамзи олдидаги маънавий ва фуқаролик масъулияти ҳақида ўйлашга чорлайди.

Байроқ мустақиллик бир марта қўлга киритилиб, кейин ўз-ўзидан сақланиб қоладиган неъмат эмаслигини эслатади. Мустақиллик билимли авлод, ҳуқуқий маданият, тинчлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ҳар бир соҳадаги ҳалол меҳнат билан мустаҳкамланади.

Бир куни бу байроқни бугун мактаб партасида ўтирган болалар кўтаради. Уларга қандай мамлакат қолдиришимиз байроқ ҳақида айтган сўзларимиздан кўра, бугунги амалларимизга кўпроқ боғлиқ. Агар улар адолатни, имкониятни ва инсон қадрини кундалик ҳаётда ҳис этса, байроққа муҳаббати ҳам самимий ва мустаҳкам бўлади.

НУҚТАИ НАЗАР

РАҚАМЛИ МАКОНДА ЁШЛАР ОНГИ УЧУН КУРАШ



Валишер ДАВЛЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор.

Яқинда Самарқанд шаҳрида 24 давлат ҳамда 5 та халқаро ташкилот вакиллари иштирокида бўлиб ўтган “Хавфсизлик масалалари бўйича ШҲТ плюс” биринчи экспертлар мулоқотида Президент Шавкат Мирзиёевнинг мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Унда ҳозирги кескин ва мураккаб замонда жамият равнақи ва хавфсизлигига таҳдид солаётган ҳолатлар келтирилди. Таъкидланганидек, бугун геосиёсий кескинлик кучаймоқда, қуролли можаролар авж олмоқда. Ахборот хавфсизлиги, муҳим инфратузилмаларни ҳимоя қилиш ва давлатнинг янгича шакллардаги бузғунчи таъсирларга нисбатан барқарорлиги тобора долзарблашмоқда. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва глобал коммуникация воситалари тараққиёт учун кенг имконият очиш билан бирга мутлақо янги муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, кибермакон жамоатчилик онгини бошқариш ва ёлғон ахборот тарқатиш каби воситалар тобора фаол қўлланаётган асосий тўқнашувлар майдонига айлангани таассуфли.

КАФТИМИЗДАГИ “ХАТАР”

Илгари хавфсизлик деганда кўпчилик чегараларни қўриқлаш ва ҳарбий кучларни тасаввур қилар эди. Бугун эса таҳдид уйимизга эшикдан эмас, қўлимиздаги смартфон орқали кириб келмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь-август ойларида мамлакатимизда 10 ёш ва ундан катта аҳолининг 97,3 фоизи интернетдан фойдаланган. Ваҳоланки, беш йил олдин бу рақам 76,6 фоиз бўлган. Жорий йил бошида мобиль интернет абонентлари сони 33,3 миллионга етган, фойдаланувчиларнинг ўртача ёши эса 29,5 ёшни ташкил этган. Бошқача айтганда, аҳолимизнинг аксарияти кунининг катта қисмини рақамли маконда ўтказмоқда.

Президентимиз айнан шу маконда террорчи ташкилотлар фаоллашаётганидан жиддий ташвиш билдирди. Интернет платформалари радикал ғояларни тарғиб қилиш, янги тарафдорларни оғдириш, маблағ тўплаш ва давлат чегараларини тан олмайдиган экстремистик бирлашмаларни шакллантириш воситасига айланиб бормоқда. Бундай шароитда эса, табиийки, аҳолининг энг кўп хавф остидаги қатлами ёшлар бўлиб қоляпти.

Ҳеч ким бир кунда радикалга айланмайди. Бу жараён кўпинча қизиқарли кўринган видео, ўзини ғамхўр қилиб кўрсатган «дўст» ёки адолатсизликдан норози кайфиятга ҳамдардлик билдирувчи гуруҳдан бошланади. Аста-секин ёш йигит-қиз ёхуд ўсмир оиласидан, маҳалласидан, тенгдошларидан узоқлаша боради. Радикаллашув мураккаб ижтимоий жараён, унинг олдини фақат контентни блоклаш билан олиб бўлмайди. Президентимиз ҳам ҳодисаларга кейин муносабат билдириш билан чекланмасдан, хавф-хатарларнинг олдини олиш, ахборот алмашиш ва миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратди.



ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Биринчи экспертлар мулоқотида маълум қилинишича, фақат 2026 йилнинг ўзида экстремистик ва террорчилик хусусиятига эга 49 мингдан зиёд интернет-ресурс аниқланган. Бу 2025 йилдаги кўрсаткичдан 14 фоизга кўп. Сунъий интеллект ҳам вазиятни ўзгартирмоқда. Генератив технологиялар радикал тарғиботни автоматлаштириш имконини бермоқда. Таниқли инсонларнинг қиёфаси ва овозидан фойдаланиб, сохта видеоларни яратиш ҳам тобора осонлашиб бормоқда. Шу маънода 2026 йил 21 январдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга хилоф равишда ишлов берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима белгиланган муҳим ҳимоя чорасидир.

Яна бир жиҳат. 2026 йилги Глобал терроризм индексида Ўзбекистон 96-ўринни эгаллаб, терроризм таъсири паст бўлган давлатлар қаторидан жой олган. Бинобарин, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик энг катта бойлигимиздир. Бироқ юқоридаги рақамлар бу бойликни ҳар куни асраш кераклигини, таҳдид эса тобора рақамли маконга кўчаётганини кўрсатмоқда. Кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиз учун миллатлараро ва динлараро тотувлик тараққиёт пойдевори ҳисобланади. Уни ичкаридан емиришга уриниш эса бугунги таҳдидларнинг энг хавфли кўринишидир.

ХАВФСИЗЛИК ҲАР БИР ХОНАДОНДАН БОШЛАНАДИ

Оилада фарзанд нимани кўраётгани ва ким билан ёзишаётгани билан қизиқиш, тақиқлашдан кўра суҳбатлашиш, бола бегона одам билан мулоқотини ота-онасига бемалол айта оладиган ишончли муҳитни яратиш бугунги кунда жуда муҳим. Мактаб ва олийгоҳларда медиасаводхонлик ва танқидий фикрлаш, яъни ахборот манбасини текшириш, ундан ким манфаатдор эканини ўйлаш кўникмаси ўргатилиши лозим. Маҳалла ва ёшлар ташкилотлари оғир аҳволдаги, иш ёки эътибор излаётган ёшлар билан манзилли ишлаши, блогерлар ва журналистлар эса ёшлар тилида "гапирадиган" мазмунли контент яратиши керак.

Парламент учун ҳам вазифалар аниқ. Давлатимиз раҳбари 2 ноябрда экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонунни имзолади. Унга кўра, тақиқланган экстремистик ташкилотларда иштирок этиш беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади, Адлия вазирлиги экстремистик ташкилот ва материалларнинг очиқ электрон реестрини юритади. Жазони ўтаб бўлганлар учун бир йилгача муддатга якка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури жорий этилади. Бу нормаларни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва уларнинг ижроси парламент назоратида бўлиши лозим. Янги қонунга кўра, экстремизмнинг олдини олиш давлат дастурини Давлат хавфсизлик хизмати бошқа идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқади, уни Президент тасдиқлайди. Ана шу дастурда онлайн радикаллашув, сунъий интеллект билан боғлиқ хатарлар ва ёшлар ўртасида рақамли профилактика устувор йўналиш бўлиши мақсадга мувофиқ.

Рақамли дунёда ёшлар онгу тафаккури учун жиддий кураш кечмоқда. Шубҳасиз, бу курашда ғалаба тақиқ билан эмас, маърифат, оилавий меҳр, жамиятнинг ҳамжиҳатлиги ва давлатлар ўртасидаги ишончли ҳамкорлик билан қўлга киритилади.

ҚИШ МАВСУМИ: аҳоли коммунал хизматлардан рози бўлиши шарт

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашида айни масалада семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, коммунал соҳага масъул ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.

Семинарнинг асосий мақсади нафақат мавсумга тайёргарлик ишларини таҳлил қилиш, балки аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва масъул ташкилотлар фаолияти устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришдан иборат бўлди.

Тадбирда таъкидланганидек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик фақат техник ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш билан чекланмаслиги лозим. Энг муҳими, бу жараён аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган коммунал хизматлар сифати ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Қайд этилдики, партия депутатлари томонидан Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганишлар коммунал соҳада муайян ишлар амалга оширилганини кўрсатди. Шу билан бирга, айрим йўналишларда ҳали ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.



Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Очиғини айтганда, одамларни биринчи навбатда уйида иссиқлик бўлиши, газ ва электр энергияси узилмаслиги, сув билан боғлиқ муаммолар бўлмаслиги қизиқтиради. Бу жуда оддий, лекин ҳар бир оила учун муҳим масала. Шунинг учун биз коммунал соҳада олиб борилаётган ишларни, муаммоларни ўргандик.

Жумладан, кўп қаватли уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш доирасида вилоят бўйича 242 та уйнинг том қисми, 538 та кириш йўлаги, 368 та электр шити ҳамда 118 та ертўладаги муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилган.

Бу ишлар кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун қулай ва хавфсиз шароит яратиш, муҳандислик тармоқларида юзага келиши мумкин бўлган носозликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Газ таъминоти йўналишида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, вилоят ҳудудида газ қувурлари таъмирланган, марказлашган 2 та қозонхонада мукаммал, яна 17 та қозонхонада жорий таъмирлаш ишлари бажарилган.

Бироқ амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, мавсум давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, электр энергияси, ичимлик суви таъминотидаги узилишлар, газ босимининг пасайиши аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.

Шу боис, айни пайтда асосий эътибор мавсумга тайёргарлик жараёнида аниқланган камчиликларни тезкор бартараф этиш ва қиш давомида коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим. Бунинг учун электр, газ ва ичимлик суви тармоқларида юзага келаётган носозликларга зудлик билан муносабат билдириш, авария-таъмирлаш гуруҳларининг шайлигини таъминлаш ҳамда мурожаатлар асосида муаммоли ҳудудларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

> ТАДБИРДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ФАҚАТ ТЕХНИК ВА ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН ЧЕКЛАНМАСЛИГИ ЛОЗИМ. ЭНГ МУҲИМИ, БУ ЖАРАЁН АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИГА БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК.

Масъул ташкилотлар билан депутатлар ва маҳалла фаоллари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириб, аниқланган муаммоларнинг бартараф этилишини доимий назоратга олиш лозим.

Шунингдек, марказлашган иситиш тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларда яшовчи аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини кўмир билан ўз вақтида таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Чунки мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектларда иссиқлик таъминотининг барқарор бўлиши нафақат қулайлик, балки аҳоли саломатлиги ва таълим-тарбия жараёни учун ҳам муҳимдир.

Семинар давомида коммунал соҳадаги мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш механизмлари масъул идоралар вакиллари билан атрофлича муҳокама қилинди.

Айниқса, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни фақат қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш, муаммонинг асл сабабларини аниқлаш ва натижаси бўйича тегишли чоралар кўриш зарур.

Холбек СУЛАЙМОНОВ, халқ депутатлари Бўка туман Кенгаши депутати:

— Коммунал соҳадаги муаммоларни фақат масъул ташкилотлар кучи билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу жараёнда маҳалла фаоллари, депутатлар, партия ва фуқароларнинг ҳамкорлиги талаб этилади. Чунки қайси ҳудудда қандай муаммо борлигини, аввало, шу ерда яшаётган аҳоли яхши билади.

Шу нуқтаи назардан, маҳаллаларда аҳоли билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш, хонадонма-хонадон юриб мурожаат ва таклифларни ўрганиш, коммунал муаммоларни умумлаштириб, уларни масъул ташкилотларга етказиш тизимини янада кучайтириш зарур. Айниқса, ҳар бир маҳаллада коммунал масалалар бўйича масъуллар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жараёнларни жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиб бориш кутилган самарани беради.

Шунингдек, аҳолини фақат муаммо юзага келганда мурожаат қилишга эмас, балки мавжуд камчиликларни ўз вақтида билдиришга ҳам ундаш лозим. Депутатлар эса жойларда ўрганишлар ўтказиб, ҳал этилмаган масалалар юзасидан депутатлик сўровларини киритиши, масъул ташкилотлардан аниқ жавоб ва амалий натижаларни талаб қилиши керак. Энг муҳими, ҳар бир мурожаатнинг ижроси назоратга олиниб, унинг натижаси аҳолига етказилиши лозим.

Амалий семинар якунида коммунал хизматлар сифатини ошириш, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни жойида ўрганиш, аниқланган муаммолар юзасидан масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, мавсум давомида коммунал инфратузилма объектларининг ҳолатини мунтазам мониторинг қилиб бориш, таъминотда узилишлар юзага келмаслиги учун масъул идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш, аҳолини зарур ёқилғи ресурслари билан ўз вақтида таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ – ФАҚАТ КЎРСАТКИЧ ЭМАС

муносиб иш ҳақи, шароит ва ижтимоий кафолатлар билан ўлчанади

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан «Бандлик ва меҳнат муносабатлари – ёшлар учун имкониятлар» мавзусида форум ташкил этилди. Унда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.



Форумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси аъзолари, соҳа масъуллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда ёшлар вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда ёшларнинг бандлигини таъминлаш нафақат иқтисодий, балки долзарб ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар бир ёшнинг муносиб иш топиши, касб-кори орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, оиласи ва келажаги учун ишончли пойдевор яратиши ҳаётдаги энг муҳим мақсадлардан биридир. Бунинг учун эса ёшларга шунчаки иш ўрни таклиф қилишнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг билим ва қобилиятига мос касб танлаши, меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассис бўлиб етишиши ҳамда меҳнатига муносиб ҳақ олиши учун зарур шароит яратиш керак.

Форум давомида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ёшларни муносиб иш ўринларига йўналтириш, касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шартномаларини қонуний расмийлаштириш, ишга қабул қилиш жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикасида 230 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилган. Уларда иш излаётган фуқароларга 14 мингдан ортиқ иш ўринлари таклиф қилинган. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1 060 нафар ёш ишга жойлаштирилган бўлса, 769 нафар фуқаро касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш курсларига йўналтирилган.

Мулоқот давомида ёшларни иш билан таъминлаш жараёнида учраётган муаммолар, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, меҳнат шартномаларини ўз вақтида ва қонуний расмийлаштириш каби масалаларга тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ишга қабул қилишда таниш-билишчилик ёки бошқа субъектив омилларга йўл қўймаслик, ҳар бир номзоднинг билими, малакаси ва қобилиятига холис баҳо бериш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, меҳнат ҳуқуқларини билиш ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар учун жуда муҳим. Чунки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билган ёш меҳнат фаолияти давомида турли ноқонуний ҳолатларга дуч келганда ўз манфаатларини ҳимоя қила олади. Шу боис ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уларга меҳнат қонунчилиги талабларини содда ва тушунарли тарзда етказиш долзарб вазифалардан бири экани қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ушбу масаладаги позицияси ҳам аниқ: ёшлар бандлиги фақат бўш иш ўринлари сони ёки ишга жойлаштирилганлар кўрсаткичи билан баҳоланмаслиги керак. Энг муҳими, ҳар бир ёш ўз билими, қизиқиши ва қобилиятига мос иш топиши, меҳнати адолатли баҳоланиши, ўз вақтида иш ҳақи олиши ва қонун билан белгиланган ижтимоий кафолатлардан фойдаланиши лозим.

Бунинг учун давлат ташкилотлари, иш берувчилар, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириши талаб этилади. Таълим жараёнида ёшларга берилаётган билим ва кўникмалар меҳнат бозоридаги ҳақиқий эҳтиёжларга мос бўлиши, иш берувчилар эса ёш мутахассисларга тажриба ошириш ва ўз салоҳиятини намоён этиш учун имконият яратиши зарур.

Айниқса, касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ва талаб юқори бўлган йўналишларда мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам бандликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Форумда билдирилган фикр ва таклифлар ёшлар бандлиги масаласига фақат рақамлар нуқтаи назаридан эмас, балки инсон манфаатлари, муносиб меҳнат шароитлари ва келажак истиқболлари нуқтаи назаридан ёндашиш зарурлигини яна бир бор кўрсатди.

Тадбир якунида форумда фаол иштирок этган бир қатор ёшларга Фахрий ёрлиқлар ва партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ФОРУМ

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ

ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИШИ КЕРАК

Депутатлик фаолиятининг ҳақиқий баҳоси қанча йиғилишда иштирок этилгани, нечта таклиф билдирилгани ёки қанча ҳужжат расмийлаштирилгани билан эмас, балки одамларнинг ҳаётида қандай ўзгариш бўлгани билан белгиланади. Бир оиланинг ишли бўлиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсоннинг муаммоси ҳал этилиши, маҳалладаги ичимлик суви ёки йўл билан боғлиқ масаланинг ечим топиши — халқ вакили фаолиятининг энг муҳим натижасидир.

Андижонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятига бағишланган форумда ҳам айнан шу масалалар марказий ўринда бўлди. Унда халқ вакилларининг жойлардаги муаммоларни ҳал этишдаги иштироки, депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш, партия дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

УСТУВОР ЁНДАШУВ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 2026 йил январь–октябрь ойларида амалга оширилган ишлар ҳам бу борада муайян натижаларга эришилганини кўрсатади.

Хусусан, вилоят Кенгаши депутатлари томонидан юборилган 45 та депутатлик сўровининг 40 таси, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан киритилган 258 та сўровнинг эса 232 таси ижобий ҳал этилган.

Шу билан бирга, депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва сессияларида ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлиги, ёшлар тадбиркорлиги, миграция, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви, оқова сув тизими, уй-жой ва коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар билдириш ва уларнинг бартараф этилишини назорат қилишга ҳам эътибор қаратилган.

Албатта, муаммони кўтаришнинг ўзи етарли эмас. Унинг ечими, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва натижанинг аҳолига етиб бориши ҳам муҳим. Депутатлик фаолиятида айнан шу ёндашув устувор бўлиши керак.

МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Партиянинг жамоатчилик қабулхоналари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, фуқароларнинг дардини эшитиш ва уларга амалий кўмак кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мансурали МАХСУДОВ, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси в.б.:

- Ҳисобот даврида вилоятдаги туман ва шаҳар партия ташкилотлари қошида фаолият юритаётган 16 та жамоатчилик қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 1 981 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 1 845 таси ижобий ҳал этилган. Бу умумий мурожаатларнинг 93 фоизини ташкил этади.

Мурожаатлар мазмунига эътибор қаратилса, аҳолини энг аввало, иш билан таъминлаш, пенсия ва нафақалар, моддий ёрдам, тиббий хизмат ҳамда уй-жой ва коммунал масалалар ўйлантираётгани кўринади. Жумладан, бандлик бўйича 394 та, пенсия ва ижтимоий нафақалар бўйича 331 та, соғлиқни сақлаш соҳасида 172 та мурожаат қайд этилган.

Мурожаатларни фақат қабулхонада ўрганиш билан чекланмасдан, зарур ҳолларда фуқароларнинг хонадонларига бориб, оилавий ва моддий аҳволи билан танишиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Депутатлар, маҳалла фаоллари, ҳокимликлар, тегишли давлат идоралари вакиллари ва ҳомийлар билан ҳамкорликда муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

ЭНГ МУҲИМИ – ЕЧИМ

Жойларда амалга оширилаётган ишларга назар ташланса, партия депутатлари ва фаолларининг мурожаатлар билан ишлашдаги иштироки турли йўналишларда намоён бўлаётганини кўриш мумкин.

Масалан, Андижон шаҳрида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга кўмир, озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам ва ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур воситалар етказиб беришда амалий кўмак кўрсатилган. Айрим оилаларнинг фарзандларини ўқув ва спорт кийимлари билан таъминлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган.

Балиқчи туманида ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилган. Ҳомийлар кўмагида эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва пул маблағлари ажратилган.



Пахтаобод туманида эса аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашишга эътибор қаратилган. Айрим фуқароларга субсидия асосида тикув машиналари олиш, ишга жойлашиш ва моддий ёрдам олиш масалаларида амалий кўмаклашилган.

Шаҳрихон туманида ногиронлик нафақасини тайинлаш, газ баллонлари билан таъминлаш, моддий ва озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича мурожаатлар ўрганилган. Избоскан туманида эса ишга жойлашиш, кредит олиш, асбоб-ускуна харид қилиш, ички йўлларни таъмирлаш ва уй-жой билан боғлиқ масалалар депутатлар, маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда кўриб чиқилган.

Бошқа ҳудудларда ҳам ичимлик суви ва газ таъминоти, чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш, ички йўлларни таъмирлаш, ижтимоий ёрдам ва бандлик масалалари бўйича ишлар амалга оширилган.

ВАКОЛАТ — АМАЛИЙ САМАРА УЧУН

Форумда депутатлик гуруҳлари фаолиятида мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масаласига диққат қаратилди. Зеро, маҳаллий Кенгаш депутатида ҳудуд муаммоларини сессия ва доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиш, масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш каби муҳим ваколатлар мавжуд.

Осмонжон АҲМЕДОВ, Депутатлик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича координатор:

- Форумнинг аҳамиятли томонларидан яна бири, Кенгаш сессиялари олдидан ҳудудлардаги муаммолар, фуқаролар мурожаатлари ва мавжуд

> АЛБАТТА, МУАММОНИ КЎТАРИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС. УНИНГ ЕЧИМИ, БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА НАТИЖАНИНГ АҲОЛИГА ЕТИБ БОРИШИ ҲАМ МУҲИМ. ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИДА АЙНАН ШУ ЁНДАШУВ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК.

эҳтиёжларни қамраб олган «Савол ва дастур» карталарини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

Бу ташаббуснинг аҳамияти шундаки, депутат сессияга шунчаки иштирок этиш учун эмас, балки аниқ масала, асосли савол ва амалий таклиф билан келади. Масалан, муайян маҳаллада ичимлик суви муаммоси мавжуд бўлса, унинг сабаблари, аҳоли эҳтиёжи, масъул ташкилот ва ечим имкониятлари олдиндан ўрганилади. Натижада муҳокамада умумий гаплар билан чекланилмай, муаммони ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланади.

Бундан ташқари, депутатлик ташаббуслари ижросини мунтазам кузатиб бориш, масъул ташкилотлардан амалий натижаларни талаб қилиш ва сайловчиларга бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот бериш амалиётини кучайтириш зарур. Чунки сайловчи ўз депутати фаолиятини фақат сайлов пайтида эмас, балки кейинги даврда ҳам ҳис қилиши керак.

Партия депутатлари учун яна бир муҳим вазифа — ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини доимий ҳимоя қилишдир. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар, иш излаётган ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммолари депутатлик назоратининг устувор йўналишларидан бўлиб қолиши лозим.

МУЛОҚОТ, ТАШАББУСКОРЛИК, НАТИЖАДОРЛИК

Форумда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, депутатлик фаолиятида халқ билан мулоқот, ташаббускорлик ва натижадорлик бир-биридан ажралмас тушунчалардир.

Партия дастурида белгиланган вазифалар ҳам айнан жойлардаги ҳақиқий эҳтиёжлар билан уйғунлашгандагина ўз самарасини беради. Бунинг учун депутатлар аҳоли орасида бўлиши, муаммоларни ўз вақтида аниқлаши, уларни ҳал этишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ва натижани назоратга олиши керак.

Форум якунида маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш, партиявий назорат таъсирчанлигини ошириш ва сайловчилар билан тизимли мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Энг муҳими, энди муҳокамаларда билдирилган таклифлар амалий ишларга айланиши, ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги муаммолар ечими учун янада фаол ҳаракат қилиши керак.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

СУРХОНДАРЁ: ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР ЎРГАНИЛДИ



Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамда Музработ туман кенгаши ташаббуси билан “Қувонч ва меҳр улашайлик” лойиҳаси доирасида “Музработ дарвозаси” маҳалласида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан мулоқот ўтказилди.

Мулоқот давомида II гуруҳ ногиронлиги бўлган, уч нафар фарзанднинг онаси Нигора Маматмўминова ҳамда оғир хасталиги сабаб даволанишга муҳтож Дилфуза Ибрагимованинг мурожаатлари тингланди.

Шунингдек, уч нафар фарзандни тарбиялаётган Наргиза Саидованинг уй-жойини таъмирлаш, Бунёд Тошбоевга эса ногиронликни белгилаш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш масалалари ўрганилди.

Уларнинг муаммоларини бартараф этиш юзасидан ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур чоралар кўриш режалаштирилди. Лойиҳа доирасида оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва партия совғалари топширилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: 76 НАФАР ФУҚАРО ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Пискент тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Д.Комилова ташаббуси билан "Муротали" маҳалласидаги 51-оилавий поликлиникада "Саломатлик акцияси" ташкил этилди.

Акция доирасида терапевт, педиатр, невропатолог, жарроҳ, кардиолог ва ЛОР мутахассислари иштирокида, шунингдек, УЗИ текшируви орқали жами 76 нафар фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик натижаларига кўра, 2 нафар фуқарога вилоят касалхонасига, 3 нафар она ва болага туман шифохонасига йўлланма берилди. Тиббий кўрикка келиш имконияти бўлмаган кекса ёшли фуқаролар хонадонларида ҳам кўрик ва зарур муолажалар ўтказилди.

Тадбир давомида партия депутати аҳоли ва тиббиёт ходимларининг муаммо ҳамда таклифларини тинглади. Хусусан,



"Оқтом" маҳалласида қарийб 3 минг нафар тарқоқ ҳолда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатаётган патронаж ҳамширалари хонадонлар орасидаги масофа узоқлиги сабабли фаолиятда қийинчиликларга дуч келаётганини билдириб, хизмат самарадорлигини ошириш учун скутер ажратишда амалий ёрдам сўрашди.

Ушбу мурожаат юзасидан мутасадди ташкилот раҳбарига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.


ТОШКЕНТ ШАҲРИ: БОҒЧАЛАР ФАОЛИЯТИ ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон ХДП Яккасарой туман кенгаши раиси Ш.Шарипова ҳамда халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан тумандаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, тарбиячилар фаолияти ҳамда ота-оналардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилинди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан депутатлик назорати ўрнатилди. Шунингдек, мавжуд масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари юбориш белгиланди.

Партия депутатлари мактабгача таълим тизимида болалар манфаатлари, сифатли таълим-тарбия ва муносиб шароитлар таъминланишига қаратилган жамоатчилик ва депутатлик назоратини давом эттиради.



ЙИЛЛАР САБОҒИ



ЎТМИШГА БОҚИБ, БУГУНГА ШУКР ҚИЛ...



Рустам ЖАББОРОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази илмий котиби, филология фанлари номзоди.

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтмишни қоралаш осон. Ундан тўғри хулоса чиқариш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса, инсон ўз ҳаётида кечган воқеаларга йиллар пардаси ортидан назар ташлаганда, кеча билан бугуннинг фарқини янада теранроқ англайди.

Мен ҳам бугун шу туйғулар оғушидаман.

Ростини айтсам, ҳозиргача ҳеч қаерда ёзмаган, ҳатто яқинларимга ҳам батафсил сўзлаб бермаган воқеаларни қоғозга туширишга қарор қилдим. Бунга, аввало, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, сўз ва фикр эркинлиги учун кенгаяётган имкониятлар, энг муҳими, ўз ҳаётимда гувоҳи бўлган ажойиб бир тарихий эврилиш туртки бўлди.

БИР МАҚОЛА ОРТИДАН БОШЛАНГАН СИНОВЛАР

Бундан ўн беш-ўн олти йиллар муқаддам давлат тизимидаги оммавий ахборот воситаларидан бирида ишлар эдим. Лавозимим унчалик баланд бўлмаса-да, зиммамдаги масъулият анча катта эди.

Ўша давр журналистикасининг ўзига хос ёзилмаган қонун-қоидалари бор эди. Ҳар бир сўз, ҳатто ҳар бир ҳарф учун жавоб беришга тўғри келарди. Ёритиладиган мавзулар доираси ҳам деярли олдиндан белгиланган: қаердадир янги мактаб очилгани, қайсидир олий ўқув юртида китоб тақдимоти ўтказилгани, спорт мусобақалари, расмий учрашувлар...

Жамиятдаги муаммоларни кўтариш, баҳсли масалаларни таҳлил қилиш, айниқса, халқаро сиёсатнинг нозик жиҳатларига муносабат билдириш осон эмасди. Жиддийроқ воқеа юз берса, у ҳақдаги ахборот тегишли идоралар назаридан ўтганидан кейингина эълон қилиниши мумкин эди.

Ўша йилларда маошимиз жуда кам, оила тебратиш, рўзғорнинг кам-кўстини тўлдириш мақсадида айрим хусусий нашрлар билан ҳамкорлик қилиб турардим. Асосан тарихий, адабий-бадиий ва маданий мавзуларда мақолалар ёзардим.

Кунларнинг бирида хусусий газеталардан бири учун Тоғли Қорабоғ можаросининг тарихи, унинг келиб чиқиш сабаблари ва минтақа халқлари тақдирига таъсири ҳақида таҳлилий мақола тайёрладим. Мақола чоп этилди.

Орадан кўп ўтмай, газета муҳаррири қўнғироқ қилиб, ушбу материал ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотганини, ҳатто нашр адади ошганини айтди. Шу мавзуда яна мақолалар ёзиб беришимни сўради. Журналист учун бундан ортиқ рағбат борми? Қаламингдан чиққан мақола ўқилса, муҳокама қилинса, одамларни ўйлашга ундаса, ўзингни касбингга кераклн инсон деб ҳис қиласан киши.

Шу тариқа Озарбайжон тарихи, Қорабоғ муаммоси, икки қардош халқнинг маданий ва маънавий алоқалари ҳақида бир неча мақолаларим эълон қилинди. Аммо бу қизиқиш кутилмаган оқибатларга олиб келди.

Кунларнинг бирида мени тегишли идорага чақиришди.

— Нега айнан Озарбайжон ҳақида ёзяпсиз? Нега бу мавзуга бунчалик қизиқасиз? Тоғли Қорабоғнинг Ўзбекистонга нима алоқаси бор? Озарбайжонда қариндошларингиз борми? У ерга нима учун боргансиз? Сизга бу мавзуда мақола ёзишни ким топширган?

Саволлар шундай мазмунда эди. Мен учун оддий тарихий-публицистик фаолият ҳисобланган машғулот кимларгадир шубҳали туюлган, шекилли. Тўғри, менга нисбатан ҳеч қандай жисмоний тазйиқ ўтказилмади, расмий жазо ҳам қўлланмади. Аммо орадан кўп ўтмай, ишимдан кетишимга тўғри келди. Бош муҳаррир минг истиҳола билан бўшаш ҳақида ариза ёзишимни сўради.

Бу воқеада ўша пайтда менга устозлик қилган таҳририят раҳбарларини айблаш ниятим йўқ. Аксинча, уларнинг аҳволини бугун тушунаман. Ўзлари ҳам мураккаб вазиятда қолишган, эҳтимол, бошқача йўл тутиш имкони бўлмагандир. Менинг ўзимга маълум ягона «айбим» эса кимлргадир хуш келмаган мавзуда қалам тебратганим эди.

Ана шу «айб» ортидан қарийб ўн йил давлат ташкилотларига ишга жойлаша олмадим. Яхшиям, ўша пайтларда айримлар менсимай «сариқ матбуот» деб атайдиган хусусий нашрлар бор экан. Шу газеталарда ишладим, мақолалар ёздим, қалам ҳақи эвазига рўзғор тебратдим. Баъзан ўйлаб қоламан: ўша нашрлар бўлмаганида, журналистик тақдирим қандай кечарди?

ХОТИРАМДА ҚОЛГАН ВОҚЕА

Бу йиллар давомида давлат миқёсидаги тадбирларга умуман таклиф этилмадим. Мабодо кимнингдир эътиборсизлиги ёки тасодиф туфайли шундай анжуманларга бориб қолсам, кўпинча остонадан қайтаришарди.

Бир воқеа эса хотирамда чуқур муҳрланиб қолган.

Кеч куз кунларининг бирида пойтахтдаги Озарбайжон элчихонаси ҳузурида Ҳайдар Алиев номидаги маданият марказининг таъмирдан сўнг очилиш маросими бўлиб ўтиши керак эди. Қардош мамлакат элчихонасидан менга ҳам таклифнома юборишди.

Борсам, киритишмаслигини тахмин қилардим. Аммо ичимда бир қизиқиш уйғонди: «Қани, бу сафар нима бўларкин?» Бордим. Кутганимдек бўлди. Кириш жойида турган масъуллар паспортимни кўриши билан бир-бирларига қараб қўйишди. Эътибор берсам, меҳмонлар рўйхатида айнан менинг фамилиям сариқ маркер билан алоҳида белгилаб қўйилган экан.

Ёш зобитлардан бири кимгадир телефон қилди. Мендан нарироққа ўтиб, анча вақт гаплашди. Сўнг қайтиб келиб:

— Аслида, сизни киритмаслигимиз керак. Аммо ортиқча гап-сўз бўлмаслиги учун бу сафар рухсат берамиз. Фақат бир шарт билан: ҳеч қандай савол бермайсиз, — деди қатъий оҳангда.

Бу ҳолатнинг ўзи ўша давр муҳитини англаш учун кифоя эди.

Мен шартга рози бўлдим.

Маросимда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимида ишлаётган Шавкат Мирзиёев иштирок этдилар.

Мен эса тайинланганидек, бир четда туриб, воқеаларни кузатдим.

Бироқ айнан ўша куни қалбимда умрбод сақланиб қоладиган таассурот пайдо бўлди. Шавкат Миромоновичнинг Озарбайжон тарихи, маданияти, адабиёти, икки халқ ўртасидаги азалий ришталар ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб, ҳайратландим.

Ҳукуматимиз раҳбарининг Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий, Бобур ва Шоҳ Исмоил Хатоий яшаган даврлар, улар мансуб бўлган адабий-маданий муҳит, халқларимизнинг тили, дини ва турмуш тарзидаги муштараклик ҳақидаги фикрлари менда катта таассурот қолдирди. Энг муҳими, Қорабоғ масаласига ҳам бефарқ қаралмади. Ўзбекистоннинг Озарбайжон билан қардошлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларига алоҳида урғу берилди.

Ўша куни айтилган фикрлар мен учун шунчаки расмий маросимдаги сўзлар эмас, балки шахсий кечинмаларимга ҳамоҳанг мулоҳазалар эди.

Баъзан инсон бир воқеанинг маъносини ўша заҳоти англамайди. Унинг ҳақиқий моҳияти йиллар ўтиб очилади.

ОЧИҚЛИК НАФАСИ

Орадан йиллар ўтди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейин мамлакат ҳаётида янги давр бошланди. Давлат бошқаруви, жамият билан мулоқот, қўшни ва қардош мамлакатлар билан муносабатларда жиддий ўзгаришлар юз берди.

Мен бу ўзгаришларни, аввало, оддий инсон, журналист ва шу юрт фарзанди сифатида ҳис қилдим. Айниқса, ташқи дунёга очиқлик, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланиши, туркий халқларнинг умумий тарихи ва маданий меросига эътиборнинг кучайиши бағоятда қувонарли.

Бугун Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа қардош мамлакатлар билан муносабатлар нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам янги мазмун касб этмоқда. Умумий тарихимиз, адабиётимиз, санъатимиз, буюк аждодларимиз мероси эндиликда халқаро илмий анжуманлар, қўшма лойиҳалар, маданий тадбирлар ва музей экспозициялари орқали кенг тарғиб қилиняпти.

Озарбайжон ўзининг тарихий тупроқлари бўлган Қорабоғни қайтариб олди. Қорабоғни тиклаш ишларида Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшди. Фузулий шаҳрида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан умумтаълим мактаби барпо этилди.

Буларни кузатар эканман, беихтиёр ўша сариқ маркер билан белгиланган фамилиям ёдимга тушади. Вақт ўтиб, бир пайтлар шубҳа уйғотган мавзулар бугун халқларни яқинлаштирувчи маънавий кўприкка айланганини кўриш қандай ажойиб!

ҲАЁТИМДАГИ ЭНГ КАТТА ШАРАФ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида илмий котиб сифатида фаолият юритяпман.

Бу — кечмиш билан бугунни боғлайдиган, ҳаётимнинг турли даврларига янги маъно бағишлайдиган улкан маънавий масъулият. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг барпо қилиниши мамлакатимиз маданий ва илмий ҳаётидаги йирик воқеалардан бири бўлди.

Президентимиз 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти, маърифат ва бағрикенглик ғояларини жаҳон жамоатчилигига етказиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўша йилнинг ўзида ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази бу эзгу мақсадларнинг амалий ифодасига айланди.

Бугун жаҳоннинг турли минтақаларида исломофобия, диний муросасизлик ва цивилизациялар ўртасидаги ишончсизлик каби муаммолар сақланиб қолаётган бир пайтда, исломнинг илм-фан, маърифат, бағрикенглик ва умуминсоний тараққиётга қўшган ҳиссасини намойиш этиш, айниқса, муҳимдир.

Марказнинг энг катта аҳамиятини ҳам шунда кўраман. Бу ерда тарихий қўлёзмалар, ноёб осори атиқалар, буюк алломалар мероси, замонавий музей технологиялари ва илмий тадқиқотлар бир бутун маърифий маконда мужассам.

2026 йил апрель ойида Марказнинг «Дунёдаги энг йирик ислом цивилизацияси музейи» сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилиши ҳам амалга оширилган ишлар кўламининг халқаро эътирофи бўлди.

Бироқ мен учун Марказнинг энг катта ютуғи унинг маҳобатидагина эмас. Энг муҳими, у дунёга Ўзбекистоннинг бой интеллектуал ва маънавий меросини янгича мазмунда тақдим этмоқда.

Марказнинг тамал тоши қўйилганидан буён давлатимиз раҳбари бу ерга ўндан ортиқ марта ташриф буюрди. Менга ҳам бир неча бор Президентимиз билан бевосита мулоқот қилиш, Марказ экспозициялари ҳақида маълумот бериш насиб этди.

Марказнинг «Шон-шараф зали»даги ўн тўртта равоқ, уларда акс эттирилган тарихий манзаралар, буюк аждодларимиз сиймолари устида ишлаш жараёнида ҳам Президентимиз томонидан кўплаб таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Айниқса, бир воқеа хотирамда чуқур сақланиб қолган. Давлатимиз раҳбари Марказда сунъий интеллект технологиялари асосида жонлантирилган буюк алломаларимиз сиймолари билан танишар экан, кутилмаган, аммо жуда теран бир фикрни илгари сурди:

— Бу боболаримизнинг оналари, рафиқалари ҳам бўлган. Уларнинг камол топишида, буюк ишларга қўл уришида аёлларнинг ҳам ўрни катта-ку! Нега уларни ҳам экспозицияда кўрсатмаймиз?

Шундан сўнг Марказ экспозицияларида тарихимизда муҳим ўрин тутган буюк аёллар — Бибихоним, Гавҳаршодбегим, Тегинабегим, Хонзодабегим каби тарихий шахслар сиймоларини яратиш ва намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Менимча, бу шунчаки музей экспозициясига киритилган ўзгариш эмас.

Бу — тарихга кенгроқ нигоҳ билан қараш, буюк цивилизацияни яратишда аёлларнинг ҳам муносиб ўрни бўлганини эътироф этиш демакдир.

Бундай мулоқотлардан кейин ҳар гал бир ҳақиқатга янада чуқурроқ ишонаман: буюк тарихни замонавий авлодга етказиш учун нафақат уни билиш, балки унинг руҳини, инсонлар тақдири билан боғлиқ маъносини ҳам англаш зарур.

ЎН ОЛТИ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ БОКУ САФАРИ

Яқинда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг тақдимотини қардош Озарбайжон пойтахтида ўтказдик.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, маданий меросга бўлган эътибор, халқларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.

- Халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар исломдан олдинги даврларга ҳам бориб тақалади. Кейинги асрларда ислом цивилизацияси бу алоқаларни янада бойитди. Олимлар бир-биридан ўрганди, китоблар бир юртдан бошқасига тарқалди, бир заминда туғилган ғоя бошқасида ривожланди. Ибн Сино ва унинг озарбайжонлик шогирди Баҳманёр, Насириддин Тусийнинг Мароғадаги ва Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги илмий мактаблари ана шу боғлиқликнинг ёрқин мисолидир. Низомий Ганжавийнинг “Хамса”си Алишер Навоийга илҳом берди. Навоий туркий тилда ўз “Хамса”сини яратди. Унинг ижоди эса озарбайжон шоири Кишварийга кучли таъсир кўрсатди. Бугун бу яқинлик ҳурматли Президентларимиз Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг ўзаро ишончи ва амалий ишларида давом этмоқда. Фузулий шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги мактабни икки давлат раҳбари биргаликда очдилар.


Фузулий номидаги шаҳар. Улуғбек номидаги мактаб. Унда билим олаётган болалар. Тарих билан бугунги кун ана шундай учрашади. Буюк аждодларимизнинг номлари янги авлодни илмга чорлайди, — деди анжуманда сўзга чиққан Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов.

Мен эса тадбир давомида бир лаҳза хаёлга толдим. Ахир, бундан ўн беш-ўн олти йиллар аввал айнан Озарбайжон тарихи ва Қорабоғ ҳақида мақолалар ёзганим учун ишимдан кетишга мажбур бўлмаганмидим?

Ўша мавзулар туфайли узоқ йиллар турли тўсиқларга дуч келмаганмидим? Бугун эса...

Бугун мен ўша қардош юрт пойтахтида Ўзбекистоннинг энг йирик маърифий лойиҳаси тақдимотида иштирок этяпман!

Менинг тақдиримда ҳам кечмишнинг оғриқли саҳифалари бор. Аммо бугун уларни алам билан эмас, ҳаёт сабоғи сифатида эслайман. Шу боис бу хотираларни ёзишдан мақсадим ўтмиш устидан ҳукм чиқариш ёки кимнидир қоралаш эмас. Аксинча, кеча билан бугунни қиёслаб, инсон қадри, сўз эркинлиги, илм-маърифат ва очиқликнинг нақадар бебаҳо эканини яна бир бор таъкидлашдир.



МУЛОҲАЗА

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛ – ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ

Бугун замонавий давлатчилик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, табиий ресурсларга бой, аммо инсон капитали ривожланмаган давлатлар хомашё етказиб берувчи бўлиб қолмоқда. Аксинча, ер ости бойликлари деярли йўқ бўлса-да, лекин таълим, илм-фан ва зиёлиларга таянувчи давлатлар жаҳон иқтисодиётини бошқармоқда.

Ўтган асрнинг ўрталарида кичик, табиий ресурслардан маҳрум ва қашшоқ давлат бўлган Сингапур бугун дунёнинг энг илғор молиявий ва интеллектуал марказига айланди. Бош вазир Ли Куан Ю: “Бизда нефть ҳам, сув ҳам йўқ, бизнинг ягона бойлигимиз - бу одамларимиз”, деб таъкидлаган эди. Давлат бутун бюджетни энг кучли таълим тизимини яратишга, чет элдан энг сара мутахассисларни жалб қилишга ва коррупциядан холи меритократия тизимини қуришга сарфлади.

Юртимизда ҳам сўнгги йилларда таълим, илм-фан ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш йўлида мисли кўрилмаган қадамлар ташланди. Хусусан, охирги ўн йилда ёшларни замонавий касб-ҳунар ва илмга йўналтириш мақсадида олий таълим муассасалари сони 77 тадан 215 тага етказилди, олий таълим қамрови даражаси эса 44 фоизга кўтарилди. Қувонарлиси, 2025-2026 ўқув йилида олий таълим муассасаларига қабул қилинган талабаларнинг 55,4 фоизини қизлар ташкил этди. Бу жамиятда интеллектуал қатламнинг кескин кенгайишига ва маърифатли оналар авлоди шаклланишига мустаҳкам замин яратмоқда.

2018 йил сентябрда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси истеъдодли ўзбекистонлик ёшларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда бакалавриат, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишини молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўтган давр мобайнида жамғарма орқали 2500 нафардан ортиқ стипендиат дунёнинг 40 дан ортиқ давлатига ўқишга юборилди ва бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бугунги кунда 1400 дан ортиқ битирувчи Ўзбекистонга қайтиб, иқтисодиёт, таълим, фан, тиббиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида самарали фаолият юритмоқда.

Ҳозирда жамғарма ҳисобидан ҳар йили 700 нафарга яқин ёшлар хорижий олийгоҳларга юборилмоқда. Мазкур йўналишга 2025 йилда давлат бюджетидан 600 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2026 йилда бу кўрсаткични 800 миллиард сўмга, 2027 йилда 950 миллиард сўмга, 2028 йилда эса 1 триллион сўмга етказиш белгиланган.

Шу билан бирга, маҳаллий олимлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун венчур фондлари, илмий мажмуалар ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди. Илм-фанни молиялаштириш ҳажми бир неча баробар оширилиб, докторлик диссертациялари ва илмий ишларнинг амалий натижадорлигини таъминлашга қаратилган янги механизмлар жорий этилди.

Давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш, институционал ишончни мустаҳкамлаш ва очиқликни таъминлашда зиёлиларнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларнинг ҳаётийлиги уларнинг илмий экспертизадан қанчалик пухта ўтганига боғлиқ.

Мамлакатимиз тараққиётида зиёлиларнинг ролини янада ошириш учун жамиятда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараёнга юзаки ёки ҳиссиёт билан эмас, балки аниқ рақамлар, статистик таҳлил ва халқаро рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳо бериш маданиятини қарор топтириш лозим. Зиёлилар бу борада жамиятга холис йўналиш кўрсатувчи эксперт бўлишлари шарт.


Бундан ташқари, ўқитувчи, олим, муҳандис ва ижодкорларнинг жамиятдаги нуфузини янада юксалтириш, уларнинг илмий-ижодий изланишларини муносиб рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш зарур. Ёшлар ўртасида китобхонлик ва хорижий тилларни ўрганиш муҳитини кенгайтириш орқали “ақллар оқими”ни мамлакат ичидаги “ақллар капитали”га айлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Зеро, қайси жамиятда олимлар, ижодкорлар ва маърифатпарвар фидойилар қадрланса, ўша юрт цивилизация марказига айланади. Кучли зиёлилар қатламига эга жамиятни эса ҳеч қандай куч тараққиёт йўлидан қайтара олмайди.

Тарих гувоҳки, дунёда буюк империялар ва давлатлар ўз қудратини йўқотган бўлса-да, илм-фан ва инсон капиталига таянган миллатлар асрлар ўтса ҳам, ўз мавқеини сақлаб қолган. Амир Темур ва Темурийлар давридаги буюк интеллектуал анъаналар бугун Сингапур, Жанубий Корея каби илғор давлатларнинг замонавий тажрибаси ва Янги Ўзбекистоннинг кенг кўламли ислоҳотлари билан уйғунлашиб, тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворига айланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал капитал ва зиёлилар қатлами - ҳар қандай давлатнинг бош тараққиёт формуласидир. Инсон салоҳиятига киритилган ҳар бир сармоя эртага кучли иқтисодиёт, барқарор жамият ва фаровон ҳаёт бўлиб қайтади.

Шерали МАМАДЕЦОЕВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



МЕҲР, КЎМАК ВА МАСЪУЛИЯТ

ЗЎРАВОНЛИКДАН ХОЛИ ЖАМИЯТ САРИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, сайёрамиздаги қарийб 840 миллион аёл, яъни ҳар уч нафаридан бири ҳаёти давомида жисмоний ёки жинсий зўравонликка дуч келган. Болаларга нисбатан зўравонликнинг кўлами ҳам ташвишли. UNICEF маълумотларида келтирилишича, 370 миллиондан ортиқ аёл ва қиз 18 ёшга тўлмасидан олдин турли тажовузларга учраган. Шунингдек, дунёдаги болаларнинг қарийб учдан икки қисми уйда парваришловчилар томонидан жисмоний жазо ёки руҳий тазйиқ каби зўравон тарбия усуллари билан улғаймоқда.

Зўравонлик кўп ҳолларда оилавий муносабатлар, кундалик ҳаёт ичида яширин кечади, жабрланувчилар эса қўрқув, ижтимоий босим ёки иқтисодий қарамлик туфайли ўз ҳолатини ошкор қилишга қийналади. Шу сабабли юқоридаги рақамлар муаммонинг ҳақиқий кўламини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Айни чоғда зўравонлик иллати замирида ижтимоий стереотиплар, инсон ҳуқуқларига нисбатан бепарволик, оиладаги носоғлом муҳит, ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, муаммоларни куч ишлатиш орқали ҳал қилишга мойиллик каби омиллар ҳам борки, унга қарши курашиш ҳар бир давлат ва жамият олдига наинки қатъий ҳуқуқий чоралар, балки ижтимоий ва маънавий тусдаги мураккаб вазифаларни қўяётганини англаш мушкул эмас.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар моҳияти ва кўламига кўра салмоқли. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан бу мавзуда тақдим этилган маълумотлар (маълумотлар сўнгги тўққиз ойга тегишли!) Ўзбекистонда зўравонликка қарши курашишда ижтимоий хизматлар қамрови кенгайиб, жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлашда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари юзасидан келиб тушган мурожаатлар асосида республика бўйича 74 минг 300 нафар хотин-қизга қарийб 110 мингта ижтимоий хизмат кўрсатилган. Бундан ташқари, 7 минг 200 нафар аёл ва 4 минг 500 нафар фарзанди хавфсиз бошпаналарга жойлаштирилган.

Шу далилнинг ўзиёқ юртимизда ҳеч бир инсонни оғир вазиятда ёлғиз қолдирмаслик, хавфсизлигини таъминлаш ва зарур ёрдамга эга бўлиши учун имконият яратиш мақсади изчиллик билан ҳаётий тасдиғини топаётганидан далолат беради.

Зўравонликдан жабрланган инсоннинг эҳтиёжи кўп ҳолларда фақат ҳуқуқий ёрдам билан чекланмайди. У психологик реабилитация, тиббий ёрдам, ижтимоий кўмак ва жамиятда ўзини тўлақонли ҳис этиши учун қўллаб-қувватланмоғи зарур. Хавфсиз бошпаналарга жойлаштирилган аёллар ва болалар сони бу борадаги ишлар мазмунини очиб беради. Зотан, бошпана инсонни хавфли вазиятдан вақтинча узоқлаштириш воситасигина эмас, балки унинг ўзини тиклаши, келажагини қайта режалаштириши ва зарур ёрдам олиши учун муҳим қулайликдир. Айниқса, аёл билан бирга фарзандларининг ҳам хавфсиз жойга олиб чиқилиши зўравонликнинг оилавий ва ижтимоий оқибатларини камайтириш масаласи эътибордан четда қолмаётганини кўрсатади.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш эса алоҳида масъулият ва тезкорликни талаб қилади. Шунга мувофиқ республикамизда хавф остидаги боланинг ҳолати бир кун ичида ўрганилиб, 14 кун ичида комплекс баҳоланишига доир механизм шакллантирилди. Бу ёндашув боланинг ҳолатини ўз вақтида аниқлаш билан бирга, унинг эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

ИҲМАнинг маълум қилишича, ҳисобот даврида зўравонликдан жабрланган 6 минг 900 нафар бола аниқланган ва уларга қарийб 10 мингта ижтимоий, психологик, ҳуқуқий ҳамда тиббий хизмат кўрсатилган.

Болаларни зўравонликнинг турли шаклларидан ҳимоя қилишда фақат хавфли вазиятни бартараф этиш эмас, балки мурғак ўғил-қизларнинг руҳий ҳолати, саломатлиги, таълим олиш имконияти ва ижтимоий мослашуви масалаларида комплекс ёндашувни таъминлаш, уларнинг ўзини хавфсиз ҳис қилиши, жамиятга ишончини тиклаши ва тўлақонли ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш ғоятда долзарб. Республикамиз бўйлаб жойларда 23 та кризис марказининг ташкил этилгани мазкур тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирга қадар ушбу марказларга жойлаштирилган 280 нафар боладан 171 нафари кўрсатилган ёрдам натижасида ўз оиласига қайтарилган.

Зўравонликка қарши курашда профилактика ва оилавий муносабатларни яхшилашга қаратилган хизматларнинг ҳам йўлга қўйилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган «Меҳрли оила» хизмати доирасида 4 минг 900 та ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилгани оилалардаги муаммоларни барвақт аниқлаш, низоларнинг олдини олиш ва болалар учун соғлом тарбиявий муҳит яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Ҳақиқий оилавий осойишталик ўзаро ҳурмат, ишонч ва хавфсизликка асосланади. Жамиятнинг бойлиги бўлган бундай оилаларда болаларнинг кўзидан ёш тўкилмайди, аксинча, кулгилари жаранглаб туради.

Аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда жамиятнинг муносабати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қонунлар ва ижтимоий хизматлар қанчалик зарур бўлмасин, зўравонликни оқловчи қарашлар сақланиб қолса, муаммони тўлиқ бартараф этиш қийин. Жабрланувчини айблаш, оилавий зўравонликни яшириш ёки унга бефарқ муносабатда бўлиш ўрнига, инсоннинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни умумий ижтимоий масъулият сифатида англаш зарур. Юқорида сўз юритганимиз — ҳар бир мурожаат асосида тўлақонли ижтимоий хизматлар кўрсатилиши, хавфсиз бошпаналар, кризис марказлари, болалар ҳолатини комплекс баҳолаш механизмлари ва «Меҳрли оила» хизмати — буларнинг барчаси ана шу ижтимоий масъулиятни қарор топтиришга йўналтирилгани эътирофга молик, албатта.

Зўравонликка қарши кураш — бу фақат муайян ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноятга қарши кураш эмас. Бу инсонни қадрлаш, масъулиятни англаш ва жамиятда соғлом муносабатларни қарор топтириш жараёнидир. Ҳар бир оилада меҳр ва ҳурмат, ҳар бир таълим муассасасида хавфсизлик ва ишонч, ҳар бир ижтимоий муносабатда инсон қадри устувор бўлсагина, зўравонликка муросасиз муҳитни шакллантириш мумкин. Бу иллатдан холи бўла олган жамиятда инсон, аввало, ҳар бир аёл ва бола ўзини камситилмаган, қадр-қиммати ҳимояланган ҳолда эркин, ишончли ва муносиб ҳаёт кечириш саодатига эга бўлади.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ" ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОСОЙИШТАЛИК ҚОНУНИЙЛИК ВА ТАРТИБДАН БОШЛАНАДИ

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон учун хавфсиз ҳаёт муҳитини яратиш кўп қиррали ва узлуксиз жараёндир. Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда, миграция жараёнларини қонуний тартибга солиш, аҳолини ҳужжатлаштириш ва шахсга доир маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айни жиҳатдан, мамлакатимизда 1 ноябрдан ўтказилаётган «Хавфсиз ва соғлом юрт» ойлиги доирасида Миграция ва персоналлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки миграция жараёнларини тартибга солиш фақат белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилишдан иборат эмас. У фуқароларнинг яшаш жойи бўйича ҳисобини юритиш, чет эл фуқароларининг мамлакатимиз ҳудудида қонуний бўлишини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш каби муҳим вазифаларни ҳам қамраб олади. Бу жараёнлардаги аниқлик ва тартиб бир томондан фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминласа, иккинчи томондан, жамиятда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Хавфсиз ва соғлом юрт» ойлиги доирасида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган ўрганишлар бу борадаги ишларнинг кўлами ва амалий аҳамиятини кўрсатади. Хусусан, 16 ноябрь ҳолатига кўра, 3 565 та объектда ўрганишлар олиб борилган. Уларнинг 3 127 таси хонадонлар, 42 таси меҳмонхоналар, 376 таси корхона ва ташкилотлар, 15 таси саноат зонасидаги объектлар ҳамда бир қатор ижтимоий масканлар ҳисобланади.

Ўрганишлар жараёнида жами 5 592 нафар шахснинг ҳолати кўриб чиқилган. Уларнинг 4 771 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлса, 806 нафари чет эл фуқаролари ва 15 нафари фуқаролиги бўлмаган шахслардир. Шунингдек, 851 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси вақтинча рўйхатга олинган.

Бу рақамлар ортида оддий инсонлар ҳаётига дахлдор муҳим масалалар мужассам. Масалан, яшаш жойи бўйича ўз вақтида ва тўғри рўйхатдан ўтиш фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши, турли маъмурий жараёнларда ортиқча оворагарчиликларга дуч келмаслиги учун муҳим. Чет эл фуқароларининг мамлакатимизда бўлиш тартибига риоя этилиши эса миграция жараёнларининг қонунийлигини таъминлаш билан бирга, жамоат тартиби ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўрганишлар давомида жами 232 та ҳуқуқбузарлик аниқланган. Шулардан 200 таси паспорт тизими қоидаларини, 32 таси эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг 220 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, 12 нафари чет эл фуқароларидир.

Албатта, бундай ҳолатларнинг аниқланиши фақат назорат тадбирларининг натижаси сифатида баҳоланмаслиги керак. Турли қоидабузарликларнинг сабабларини ўрганиш, ҳуқуқий тушунтириш ишларини кучайтириш ва келгусида шундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олиш ҳаётий зарурат.

Аслида «Хавфсиз ва соғлом юрт» ойлиги доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг туб моҳияти аниқланган ҳуқуқбузарликлар ёки текширилган объектлар сони билан баҳоланмайди. Асосий мақсад — ҳуқуқий маданияти юксалган, қонун талабларига амал қиладиган, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши биладиган фуқароларни шакллантириш, шу орқали жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги тизимли ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадга — инсон қадри улуғланадиган, тинч ва осойишта ҳаёт таъминланадиган юрт барпо этишга хизмат қилади.

Шерзод АЛИҚУЛОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ,
Миграция ва персоналлаштириш бўлими катта инспектори.

ХОРИЖ ПАРЛАМЕНТЛАРИ

ҚАТАР: САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИК



Яқин Шарқ минтақасидаги митти, аммо дунёнинг энг бой ва геосиёсий жиҳатдан энг таъсир доираси кенг давлатларидан бири бўлган Қатар бугунги кунда халқаро жамоатчилик эътиборида турибди. Биз бу мамлакатни улкан газ захиралари, глобал инвестицион қудрати ҳамда йирик халқаро тадбирлар мезбони сифатида яхши биламиз. Бироқ XIX асрдан бери Ол Соний (Ал Тани) сулоласи томонидан бошқариб келинаётган Қатарнинг сиёсий тизими ва унинг қонун чиқарувчи органи — Шўро Кенгашининг босиб ўтган йўли ғарб андозаларидаги давлат бошқарув тизимларидан бутунлай фарқ қилувчи ўзига хос ноёб феномендир.

Кўплаб давлатлар ўз тараққиётида анъанавий бошқарувдан кўппартиявийлик ва демократик сайловларга ўтишга интилаётган бир пайтда, Қатар мутлақо бошқача, ўз миллий менталитети ва ички барқарорлигига мос йўлни танлади. Мамлакат ўз тарихида сайлов тизимини қисқа муддат синаб кўргач, жамиятда юзага келган сиёсий ва қабилавий таранглikларнинг олдини олиш ҳамда миллий жипсликни сақлаб қолиш мақсадида яна ихтиёрий равишда Амир фармони билан шакллантириладиган анъанавий парламент тизимига қайтди.

Хўш, марказий ва устувор сиёсий ваколатлар Амир қўлида жамланган ушбу давлатда қонун чиқарувчи ҳокимият қандай ишлайди? Бу саволга жавоб топиш учун, келинг, дастлаб мамлакатнинг ўзига хос парламентаризм тарихига назар ташласак.

ШЎРО КЕНГАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: МАСЛАҲАТ ИНСТИТУТИДАН ПАРЛАМЕНТ ДАРАЖАСИГАЧА

Қатар 1971 йилда мустақилликка эришгач, давлат пойдеворини мустаҳкамлаш ва бошқарувда маслаҳат тамойилини жорий этиш мақсадида 1972 йил 19 апрелда илк Шўро Кенгашига асос солинди. Дастлаб Амир томонидан тайинланадиган 20 нафар аъзодан иборат бўлган ушбу маслаҳат органи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва қонунчилик базаси шаклланишида муҳим кўприк вазифасини ўтади.

Мамлакат аҳолисининг ўсиши ҳамда давлат аппарати фаолиятининг кенгайиши натижасида Кенгаш таркиби ҳам босқичма-босқич катталашиб борди. Хусусан, аъзолар сони 1975 йилда 30 нафарга, 1996 йилда 35 нафарга, 2017 йилда эса 41 нафарга етказилди. Шу йили ноябрь ойида Амир Тамим бин Ҳамад Ол Соний томонидан Кенгаш таркибига тарихда илк бор 4 нафар аёл аъзонинг тайинланиши Қатар сиёсий ҳаётида гендер тенглиги ва хотин-қизларнинг жамият бошқарувидаги ўрнига эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

2024 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиришларга кўра, Кенгаш энди камида 45 нафар аъзодан иборат бўлиши белгиланган. Шунга мувофиқ, 2025 йилда Амирнинг фармони билан 49 нафар аъзо тайинланди ва 2025 йил 21 октябрда янги таркиб биринчи ялпи мажлисни ўтказди.

НЕГА САЙЛОВЛАРДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ?

Қатар сиёсий эволюциясини таҳлил қилганда, 2021–2024 йиллардаги ўзгаришлар алоҳида босқич сифатида бўртиб кўринади. 2003–2004 йилларда қабул қилинган Доимий Конституцияга мувофиқ, Шўро Кенгашининг 30 та аъзоси тўғридан-тўғри халқ овози билан сайланиши белгиланган эди. 2021 йил октябрида мамлакат тарихида илк бор ўтказилган қисман парламент сайловлари ғарбча демократик моделни амалиётга татбиқ этишга бўлган уриниш бўлди.

Бироқ 2021 йилги сайловлар даврида сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ чекловлар ва айрим номзодларнинг қабилавий-оилавий таянчга суяниши жамиятда сиёсий ва қабилавий таранглikларни юзага чиқарди. Сиёсий партиялар тақиқланган шароитда бундай сайлов модели миллий жипслик ва анъанавий қадриятларга муайян даражада хавф туғдириши мумкинлиги ойдинлашди.

Амир Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний вазиятни чуқур ва холис таҳлил қилиб, давлат идораси ва жамият ўртасидаги сунъий бўлинишларга чек қўйиш ташаббуси билан чиқди.

2024 йил 5 ноябрда ўтказилган референдумда Конституцияга киритилган ўзгартишлар, жумладан, Шўро Кенгашини Амир фармони билан тайинлаш тартибига қайтишни назарда тутган тузатишлар 90,6 фоиз овоз билан маъқулланди ва Амир уларни 6 ноябрда расман тасдиқлади. Жамият учун ушбу қарор ортга чекиниш эмас, аксинча, тинчлик, миллий бирлик ва ижтимоий барқарорликни ҳар қандай сиёсий тажрибалардан устун қўйиш борасидаги қатъий позиция, деб ҳисобланди.

СТРАТЕГИК ЧЕКЛОВЛАР

Қатардаги сиёсий тизимнинг энг эътиборли жиҳати — ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг шарқона, ўзига хос мувозанатга эришилганидир. Гарчи Шўро Кенгаши мақоми “маслаҳат органи” саналса-да, у давлат бошқарувида ўта муҳим ва салмоқли ҳуқуқий ваколатларга эга.

Биринчидан, молия ва бюджет назорати. Давлатнинг қон томири ҳисобланган умумий ҳукумат сиёсати ва йиллик давлат бюджети айнан Кенгаш томонидан муҳокама қилиниб, тасдиқланади. Бу халқ манфаатларининг иқтисодий тақсимотда ўз аксини топишини кафолатлайди.

Иккинчидан, ижро органини назорат қилиш. Кенгаш шунчаки расмиятчилик учун тузилган орган эмас. Агар зарурат туғилса, қонунчилик биносида жиддий демократик дастаклар ишга тушади: парламент аъзоларининг учдан икки қисмининг овози (ишончсизлик вотуми) орқали Кенгаш исталган вазирни лавозимидан озод этиш талаби билан чиқиш ҳуқуқига эга. Бироқ давлатнинг ижроия пойдеворини сақлаб қолиш мақсадида бу қоида Бош вазирга нисбатан қўлланилмайди.

Шу билан бирга, давлатнинг хавфсизлиги ва стратегик барқарорлигини ташқи ҳамда ички сиёсий тебранишлардан асраш мақсадида Кенгаш ваколатларига аниқ чекловлар ҳам ўрнатилган. Миллий стратегиянинг учта катта устуни — мудофаа, хавфсизлик ҳамда иқтисодий ва сармоявий сиёсат масалалари бутунлай парламент аралашувидан холи бўлиб, улар бевосита Амирнинг мутлақ ваколатига киради.

Қонун ижодкорлиги борасида ҳам “тийиб туриш ва мувозанат” (checks and balances) тизими жорий этилган. Қатар Конституциясининг 106-моддасида бу жараён аниқ белгиланган: Шўро Кенгаши қабул қилган қонун кучга кириши учун Амирга юборилади. Агар Амир уни рад этса, уч ой ичида сабаблари билан Кенгашга қайтаради. Кенгаш аъзоларнинг учдан икки қисми (2/3) кўпчилик овози билан қонунни яна қабул қилса, Амир уни ратификация қилиши ва эълон қилиши керак.

Аммо бу жараёнда давлат раҳбарининг олий мақоми ва хавфсизлик кафолати сифатида муҳим бир қоида сақлаб қолинган: Конституция Амирга истисно ҳолатларда қонун ижросини юқори давлат манфаатларини кўзлаб зарур деб топилган муддатга тўхтатиш ваколатини ҳам беради.

ЧЎЛ БАҒРИДАГИ САЙЁҲЛИК МЎЪЖИЗАСИ

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда йирик миллий лойиҳалар ва бюджет маблағлари парламентдаги чексиз тортишувлар, мухолифат ва ҳукумат ўртасидаги сиёсий курашлар қурбонига айланиб, йиллаб қоғозларда қолиб кетади. Қатарда эса бунинг мутлақо тескарисини кўришимиз мумкин. Қонун чиқарувчи орган — Шўро Кенгаши сиёсий тўқнашувлар майдони эмас, балки давлат ва халқ манфаати йўлида Ҳукумат билан бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган стратегик шерикдир.

Хўш, бу сиёсий уйғунликнинг амалий натижаси нима бўлди? Энг катта натижа — давлат бюджетини тасдиқлаш ва ҳаёт-мамот аҳамиятига эга дастурларни қабул қилишдаги бюрократик ғовларнинг йўқлигидир. Қарорлар ниҳоятда тез, силлиқ ва самарали қабул қилинади. Айнан мана шу тезкорлик ва ҳамжиҳатлик «Qatar National Vision 2030» (Қатар Миллий Тараққиёт Концепцияси) доирасидаги мега-лойиҳаларнинг қисқа муддатда қад ростлашига замин яратди.

Очиқ айтиш керак, бир неча ўн йил аввал оддий чўл ўлкаси бўлган давлат бугун сайёрамизнинг диққат марказига айланди. 2022 йилги FIFA Жаҳон чемпионатининг мисли кўрилмаган юксак савияда ўтказилгани, 2024 йилда нуфузли Skytrax рейтингида дунёнинг энг яхши аэропорти деб топилган (2025 йилги рейтингда эса фахрли 2-ўринни эгаллаган) «Ҳамад» халқаро аэропортининг барпо этилиши, «Катара» маданият қишлоғи ҳамда ҳайратланарли музейлар мажмуаси — буларнинг барчаси қуруқ орзу эмас, Ҳукумат ва Кенгаш ҳамкорлигининг аниқ ва жонли натижаларидир.

Бу ўзгаришлар мамлакат қиёфасини қанчалик ўзгартириб юборганини туризм соҳасидаги очиқлик сиёсатида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда Қатар 102 дан ортиқ давлат фуқаролари учун бепул виза олиш (visa-on-arrival) имкониятини тақдим этиб, дунёга ўз эшикларини очган. Сайёҳларни бу ерга оҳанрабодек тортаётган энг муҳим омил эса нафақат осмонўпар бинолар, балки мутлақ хавфсизлик ва юксак шарқона хизмат кўрсатиш маданиятидир.

Мухтасар айтганда, Шўро Кенгаши томонидан жамиятдаги ички барқарорликни таъминловчи қонунчилик базасининг яратилиши ҳамда Ҳукуматнинг туризм инфратузилмасига киритаётган миллиардлаб долларлик сармояси бир-бирини мукаммал тўлдирмоқда.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Қатар ҳуқуқий тизими замонавий фуқаролик қонунчилиги ҳамда Ислом ҳуқуқи (шариат) тамойилларининг мукаммал синтезига таянади. Бу уйғунлик миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка интилиш имконини беради.

Гарчи Шўро Кенгаши ҳукуматнинг умумий сиёсати ва давлат бюджетини тасдиқлаш, зарур ҳолларда вазирларга ишончсизлик вотуми эълон қилиш каби муҳим ички ваколатларга эга бўлса-да, Конституцияга мувофиқ, давлатнинг мудофаа, миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат, шунингдек, глобал инвестиция йўналишлари бевосита Амирнинг марказий ва устувор ваколатлари доирасига киради. Айнан мана шу аниқ чегараланган конституциявий мувозанат Қатарга ташқи сиёсатда тезкор ва барқарор ҳаракат қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қатар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ва давлат ўзининг тарихий илдизлари, миллий менталитети ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ўз бошқарув моделини танлаш ҳуқуқига эга.

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

АНЖУМАН

ЖСТга кириш доирасида мобиль қурилмалар учун бож ставкаси нолга туширилади

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида Божхона қўмитаси ва UzIMEI маркази вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди.

— Тошкент халқаро аэропортида хориждан келтирилган мобиль қурилмаларни вақтинчалик тўхтатиш ва текшириш чоралари бекор қилиниб, уларни бемалол олиб кириш ва расмийлаштириш қайта тикланди, – дейди Божхона қўмитаси матбуот котиби Ҳусан Тангриев. – IMEI идентификаторини чуқур аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда божхона ходимларига амалий кўмак бериш учун UzIMEI вакиллари аэропортда доимий фаолият юритадиган бўлди. Шундан келиб чиқиб, ҳозиргача божхона назоратида ушлаб турилган бир неча юз дона мобиль қурилма ўз эгаларига қайтарилди.

Аввалроқ ижтимоий тармоқларда Тошкент халқаро аэропортида хориждан учиб келаётган йўловчиларнинг мобиль телефонларини экспертизадан ўтказиш учун 30 кунгача муддатга вақтинча сақлашга олинаётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди. Экспертизасиз, бир кун ичида расмийлаштириш учун қўшимча тўлов жорий этилгани ҳам айтилганди. Бироқ, анжуманда Божхона қўмитаси масъуллари мажбурий 30 кунлик сақлаш ва қўшимча тўловлар жорий этилгани ҳақиқатга тўғри келмаслигини маълум қилди.

— Айрим шахслар томонидан божсиз олиб кириш меъёрларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш мақсадида IMEI кодларини сохталаштириш, бошқа қурилмаларга тегишли идентификаторлардан фойдаланиш, бир қурилма маълумотлари орқали бошқа қурилмаларни қонуний ишлатиш каби мураккаб схемалар қўлланилмоқда, – дейди Божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи Фарҳод Олимжонов. – Мисол учун, аниқланган ҳолатлардан бирида тадбиркорлик субъекти томонидан хориждан келтирилган 10,6 мингдан зиёд “Tecno” русумли қурилмалар ҳужжатларига аслида “iPhone” ва “Samsung” смартфонларига тегишли IMEI кодлари киритилгани фош этилди.



Шу билан бирга, мобиль қурилмалар импортини тартибга солиш ва ноқонуний айланмага чек қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Жумладан, 2026 йилнинг 10 ойида Ўзбекистонга расман олиб кирилган мобиль қурилмалар сони 4,1 миллион донани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 миллион донага ошди. Давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари эса 2,1 баробарга ўсиб, 2 триллион сўмга етди.

Айниқса, “iPhone” русумли мобиль қурилмаларнинг расмий импортида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. 2023-2024 йилларда мамлакатимизга ўртача 10 минг дона “iPhone” расман олиб кирилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида бу кўрсаткич 452 мингдан ошган. Ушбу қурилмалар импортидан бюджетга 756,6 миллиард сўм божхона тўловлари ундирилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 баробар кўпдир.

Шунинг баробарида 2025 йилда 47,9 минг дона ноқонуний мобиль қурилма ушлаб қолинди. 2026 йилнинг 10 ойида эса жисмоний шахслар томонидан белгиланган меъёрдан ортиқча қийматда олиб кирилган 150,9 минг дона мобиль қурилма расмийлаштирилиб, 189 миллиард сўм божхона тўловлари ундирилди.

Фарҳод Олимжоновнинг қўшимча қилишича, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши доирасида мобиль қурилмалар учун божхона божи ставкаси нолга туширилиши эвазига телефонлар аҳоли учун қарийб 5 фоизга арзонлашади, бироқ қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлови сақлаб қолинади.

Анжуман якунида журналистлар кенг жамоатчиликни қизиқтираётган божхона тизими билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ҳам мутасаддилардан жавоб олдилар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз, меҳнат фахрийси Қодиржон Қаюмовга отаси
ТОШТЕМИР бобонинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимиз, меҳнат фахрийси
Саида ЙЎЛДОШЕВАнинг
вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 3700 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.